

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 21 сентябр пайшанба
Соғувда эркин нарҳда № 187 (2484)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

«СОҒЛОМ АВЛОД — БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ»



Фарзандларимиз эртанги кунимизнинг эгаларидир. Улар нечоғли соғлом ва баркамол бўлса, Ватанимиз истиқболи ҳам шунчалик ёруғ, келажакимиз буюк бўлади. Шу қутлуғ мақсад йўлидаги эзгу ҳаракат истиқлол сиёсатининг узвий қисмини ташкил этади.

Мамлакатимизда 2000 йилнинг Соғлом авлод йили деб эълон қилинишидан мақсад мудоао ҳам муваффақлиқнинг дастлабки йилларидан бошлаб ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиши йўлида амалга оширилган кенг кўламли, эзгу ишларни янги босқичга қўтариш ва жамиятда юксак масъулият туйғусини тўла шакллантиришдан иборатдир.

«Абу Али ибн Сино» нашриёти яқинда чоп этган «Соғлом авлод — бизнинг келажакимиз» китоби бу борада қилинган ишларни атрафлича ёритишга бағишланган билан қимматлидир. Тўрт қисмдан иборат ушбу китобнинг биринчи қисми «Баркамол авлод — Ўзбекистон тарихининг пойдевори» деб аталган. Бу қисмдан Президентимиз Исмоил Каримовнинг соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш борасида билдирган қимматли фикрлари, Соғлом авлод давлат дастурини тасдиқлашга бағишланган мажлисда сўзлаган нукта, Юртбошимизнинг ёш авлоднинг иқтидорли вакиллари йўлаган мақтубулари, «Соғлом авлод учун» ордани, шу номдаги жамағат ва жўрналиги тасвир этиш тўғрисидаги тарихий ҳужжатлар, соғлом авлод давлат дастурига шарҳ ва бошқа материаллар ўрин олган.

«Азиз бородарлар, ўзингиз ўйлаб кўринг, бу ёруғ дунёда инсондан нима қолади? — дейди Исмоил Каримов. — Иккан-терганинг бир кун тугайди. Сендан ёдгорлик бўлиб, умрингнинг давомчиси бўлиб, чирогининг ёқади-ган фарзанд қолади. Агар фарзанд соғлом, оқил, оймон-этиқонли бўлса, ота-онангизга фақат раҳмат келтиради, одамларга наф келтиради, эл-юртинг на-заридан ҳеч қачон қолмайди».

Юртбошимизнинг донишмандона бу сўзлари китобнинг мазмун-моҳиятини белгилаб қолмай, ҳар биримизнинг фарзанд тарбияси, унинг саломатлигига юксак масъулият билан ёндашишга ундайди.

Китобнинг иккинчи қисми «Фарзандлар соғлом юрт қудратли бўлади» деб номланган. Бу қисм 1993 йили Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Соғлом авлод учун» халқаро кайрия жамағатининг утган ёти йиллик фаолияти ҳамда галдаги муҳим вазифалари ҳақидаги мақола билан очилади.

Ш. ҲАМРОЕВ (Ў.А.)



ЭНЕРГЕТИКА — ДАВЛАТИМИЗ САЛОҲИЯТИ, ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ТАЯНЧИ

Оқсаройда Энергетика тизимида ишлаб турган қувватларни ривожлантириш ва таъмирлаш истиқболлари бағишланган йилгилиш бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, идора, кўмита ва ташкилотлар раҳбарлари, мутахассислар иштирок этди.

Йилгилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Исмоил Каримов бошқарди. Йилгилишда иқтисодиётни янада ривожлантириш, халқ фаровонлигини мунтазам ошириб бориш масалалари энергетика тизимларининг бетўхтов ишлаши ва доимий суратда ривожлантириш бўлиши билан бевосита боғлиқ эканлиги таъкидланди. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин электр қуввати ишлаб чиқариш ва халқ ҳўжалиги тармоқларини эҳтиёжига яраша таъмирлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Республика иқтисодиётининг катта омили билан илгариларидан бораётгани эса бу соҳани янада тараққий эттиришнинг талаб қилмоқда. Шу боис Вазирлар Маҳкамаси қарори билан Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги мутахассислари томонидан соҳани янада ривожлантириш ва мавжуд қувватларни таъмирлаш лойиҳаси ишлаб чиқилган эди.

Энергетикани ривожлантириш жуда катта сармоя сарфлашни тақозо этади, деди Юртбошимиз. Шундай экан, биз маблаг сарфлашдан аввал энг мақбул лойиҳани тўзиб олишимиз зарур. Зеро, энергетика давлатимиз бугунги салоҳияти, эртанги қувватининг манбаидир. Масалан, Амударё ва Сирдарё сувидан фойдаланиш бо-

расида пайдо бўлаётган муаммоларнинг аксарияти энергетика масалаларига бориб тақалади. Қиш ойларида Қирғизистон Тўхтагул сув омборидан электр қуввати олишда сув сарфини кўпайтириб юбормоқда, бу эса ёзги суғориш мавсумида Сирдарёда сувнинг камайишига олиб келаётди. Амударё сувининг бир маромда келиши ҳам Норак сув омборига боғлиқ.

Мамлакатимиздаги аксарият ГРЭСлар ҳозир газ билан ишламоқда. Албатта, газ арзон, уни ёқиш ҳам осон. Лекин нафақат бизнинг, балки келажак авлодларнинг ҳам насибаси кўшилган бундай ер ости бойликларини бу йўсида ҳавога соғуриб юборишни ҳиҷоят, деб биланми янада тараққий эттиришнинг талаб қилмоқда. Газ ва нефт ўта қимбат ва технология ҳошаё, кейинчалик ўрни қопланмай-диган бойликдир. Табиат ато этган бундай бебаҳо неъматларни келажак авлодлар учун ҳам асрашимиз даркор.

Мамлакатимиз раҳбари Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги томонидан тайёрланган лойиҳага тўхталиб, энергетика соҳасини янада ривожлантиришнинг бир қанча стратегик масалаларига йилгилиш катнашчиларининг эътиборини қаратди. Биринчидан, мавжуд лойиҳада асосий ёқилғи манба-лари — кўмир, газ ва нефтдан фойдаланиш баланси аниқ кўрсатиб ўтилмаган. Бинобарин, энергетикани ривожлантириш истиқболлари

тиқболлари масаласини давлат ҳал қилади.

Туртинчи масала — мавжуд қувватлардан оқилона фойдаланишдан иборат. Энергия таъминотидаги мустаҳкам ишонч — бугунги куннинг энг долзарб масаласидир. Энергетика тизимларидаги қўтилмаган узлишлар тўғрисида халқ ҳўжалиги объектлари фаолиятининг бир қанча вақт тўхтаб қолишига йўл қўйиб бўлмайди. Бунга эса фақат қувват манбаларининг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш орқалигина эришиш мумкин.

Бешинчидан, энергетика тизимида халқаро кооперацияни кўнайтириш — кун тартибидан турган энг муҳим масалалардан биридир. Хусусан, Фарғона водийсини электр қуввати билан таъминлаш борасида Қирғизистон билан халқаролик яхши натижага олиб келиши мумкин. Унутмаслик керакки, Урта Сўбеш шариотида сув ва энергетика масаласи бири-бири билан chambarchас боғлиқ. Шундай экан, бу масалаларнинг бир бутун ҳолда ҳал этилишидан ҳар икки давлат бирдай фойда қўрган бўлур эди.

Олтинчидан, Фарғона водийсини электр қуввати билан таъминлаш масаласи энергетика тизимларини ривожлантириш лойиҳасида алоҳида бард шаклида киритилиши зарур, деб таъкидлади Юртбошимиз. Водийнинг иқтисодий салоҳияти, география жойлашуви, аҳолисининг тез суьратларда кўпайиб бораётгани масаласи шу тарзда қўйишни тақозо этмоқда. Ҳозир водийга электр қуввати Тожикистон ҳудуди орқали етказиб берилмоқда. Ҳолбуки, водийнинг энергетика тизимини ўз-ўзига қийфа қиладиган даражага етказиш мум-

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддасига мувофиқ 128-Ғулистон (Сирдарё вилояти), 141-Жарқўрғон (Сурхондарё вилояти), 160-Паркент, 171-Чиноз (Тошкент вилояти), 174-Бешарик ҳамда 189-Сўх (Фарғона вилояти) сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Олий Мажлис депутатлари сайловини 2000 йил 22 октябр, яқинда кўнига тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Кўшма қорхона қурилади

Шаҳрисабздаги «Садо» хриссадорлик жа-мияти, Туркиянинг «Бурсел» ва Япониянинг «Мицубиси корпорейшн» фирмалари билан ҳамкорликда «Оқсарой-Тўкичи-ЛТД» кўшма қорхонаси қурилишини бошлаб юборди.

Лойиҳа қиймати 66 миллион АҚШ долларига тенг ушбу «Ўзбекистон-Туркия-Япония» кўшма қорхонаси ишга тушириладиган бўлиши таъкидланди. Кўшма қорхонада 4800 тонна юқори сифатли ип-кавала, хом трикотаж полотноси каби экспортбоқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

А.ТАЙЛАТОВ, Ў.А. муҳбири.

АҚШ ДАВЛАТ ДЕПАРТАМЕНТИДА

15 сентябр кўни АҚШ Давлат департаменти ма-млакат қонунлари билан «Ўзбекистон ислом ҳаракати» 16 кишининг ўлимига сабаб бўлган Тошкентдаги портлашларга ҳам алоқадор, деган фикрда. Департаментнинг маълумотномасида қайд этилишича, «Ўзбекистон ислом ҳаракати» ислом жангирилариининг коалицияси бўлиб, уларнинг мақсади минтақа мамлакатларида хримиятни ағдариш, барқарорликни издан чиқаришдир. Мазкур жангирилариининг маълум қисми Тожикистондаги фуқаролар урушида иштирок этган. Уларнинг бошлиғи Тоҳир Йўлдошев «Ўзбекистон ҳукуматига қарши «жиқод» эълон қилган. 90-йилларнинг ўрталаридан буюн «Ўзбекистон ислом ҳаракати» жангирилари Афғонистон ҳудудидаги лагерларда тайёрланган ҳолда ўтиб келади, айрим жангириллар Усама бин Ладин назорати остида туради. Тўда «Толибон» ҳаракати ҳамда Афғонистонда ва ўзга мамлакатларда кўним топган бошқа гуруҳлар, алоҳида шахслардан ердан олиб туради. «Ўзбекистон ислом ҳаракати» ўзининг гаразли мақсадларига эришиш учун террор йўлини танлаган,

Туркман миллий маданият маркази очилди

Юртимизда бир юз ўттизга яқин миллий вакиллари ўзаро ҳамжиҳатликда яшаб, муваққиллигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимизни янада тараққий эттириш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.

Уз тасарруфида юздан ортиқ миллий маданият марказларини бирлаштириб, улар фаолиятини мувофиқлаштириб турган республика Байналмилал маданият марказининг ҳам бу борада ўзига ҳо ҳиссаси бор. Кўни кеча бу ерда Туркман миллий маданият марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Шу тарихда юртимизда истикомат қилётган туркман миллати вакиллари учун ўз маданияти, маънавияти, урф-одатларидан янада тўлароқ баҳараманд бўлиш ва айни пайтда ўз миллий қадриятларини кенгроқ намойен этиши учун яна бир имконият яратилди.

Пойтахтимизда Туркман миллий маданият маркази тақдироти Президентимиз Исмоил Каримовнинг Турк-

МАЪНАВИЙ БОЙЛИКНИНГ БАҲОСИ ЙЎҚ

«Халқ сўзи» газетаси ҳам янги йилда 10 ёшга қиради.

Шу йиллар мобайнида газетамиз Истиқлол нашри, Мустақиллик фарзанди сифатида шаклланди, товланди, ўзининг юзини, сўзини топди. Юзлаб, минглаб ўз ўқувчисига эга бўлди!

Мамлакатимизда содир бўлаётган янгиликлар, иқтисодий ва сиёсий, ижтимоий ва маънавий ўзгаришлар, бунёдкорликлар ҳар кўни газетамизнинг саҳифаларини беэмомоқда. Сиз азиз муштарийларимизнинг маънаватингизга, дардқашингизга айланмоқда. Шунингдек, у юзлаб чигал тақдирлар туғунини ечишда, адолатни қарор топтиришда, ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш йўлида ҳам баҳоли қудрат хизмат қилмоқда.

Тарихиятга келётган хатлар оқими, тинимсиз кўнчироклар, шунингдек, ҳар йилги обуна салмоғидан ҳам маълумки, «Халқ сўзи»нинг илҳомдорлари, уни севувчи ва унга сунувчи маънавияти бут инсонлар кўп экан.

XXI АСР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

«Халқ сўзи» газетанинг баҳоси йўқ

Негаки бу газета Сизни зериктириб қўймайди. Ҳар кўни хонадонингизга бош сўкиб бораверади — маслаҳат сўрайди, таърихларингизни оммалаштиради, эл-юртга танитади. Чўнки «Халқ сўзи» мамлакатимизда ҳафтада беш марта чиқадиган янада нашридир.

Хўрматли муштарийлар! Мухтарам тадбирқорлар! Жаноби ҳокимлар! Сиз газетамизнинг мазмун-мундарижасини яқин биласиз. Шундай бўлса-да айтиб ўтиш жоиз: Президентимиз фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Олий Мажлисда қабул қилинган қонунлар ҳамда бошқа расмий ҳужжатлар, дастлаб «Халқ сўзи»да нашр этилади. Сиз охири тўқилмаган, эндигина тандирдан узилган хушхабарларни, энг аввало, ушбу нашр орқали «истеъмо» қиласиз.

Мамлакатимиз ғуллаб-яшнаётган, ҳар томонлама раванқ топаётган бир пайтда, илҳомотлар йўлида гов бўлаётган тўралар, боқибөгамлик кайфиятидаги қимсалар ҳам йўқ эмас. Сизлардан келаятган мақтуб-шиқоятлар ҳам шундан ғувоҳлик бермоқ-



да. Газета саҳифаларида бундай зотларга шайқат бўлмайди, бу ишда Сиз бизга кўмакчи бўласиз, деган умиддамиз. Чўнки таърихият қошида «Адолат гуруҳи» ишламоқда. Бирор сигнал тушугуд бўлса, бу гуруҳ ҳузурингизга етиб боради ва Сизнинг ҳиҷолатингизга бўлади.

Бу рост гап! Негаки газета шу давргача фақат рост сўзлади, ҳамма нарсани очик-ойдин, ошкўза айтиб келди, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади, ишонсалар!

Реҳаларимиз кўп, оруз-эстиқомларимиз ундан-да бисёр. Газета XXI асрни 11 ёш билан кўтиб олади. Янги асрда газетамизнинг худудий қарови тобора кенгайишига, бора-бора у ёр юзунинг эътиб элишига ишонамиз. Бир кўн келиб дунёнинг барча мамлакатларида «Халқ сўзи»нинг муҳбирлари ва мухлислари бўлади.

Демакки XXI аср «Халқ сўзи» асри бўлади! Республикаимизда 2001 йилда чиқадиган газета ва журналларга обуна бошла-наётир. Боқибар қолманг, бу Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг нашри «Халқ сўзи» газетасига ҳам бевосита дахлдордир.

ТОШКЕНТНИНГ ИСТИҚБОЛДАГИ ҚИЁФАСИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида пойтахтни ижтимоий-иқтисодий жихатдан янада ривожлантириш масалаларига бағишланган йилгилик бўлиб ўтди. Унда бу борадаги бош режанинг 2015 йилгача бўлган лойиҳаси муҳокама этилди.

Йилгиликда Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов сўзга чиқиб, мустақиллик йиллари мобайнида Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси ва раҳнамолигида мамлакатимиз пойтахти қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб, чиройига қирой қўшилганлигини таъкидлади. Шунини эътиборлики, барпо этилган ҳар бир иншоот тарихини чи-зиш учун бир эмас, бир неча лойиҳалаш ташкилотлари жалб этилиб, энг мукамал деб топилган лойиҳа қурилишга тавсия қилинди.

Бу ишларнинг натижаси ўлароқ шаҳарда 1994-2000 йиллар давомида миллий ва замонавий меъморликнинг энг яхши анъаналарини ўзида мўжассам этган йирик маданий-маиший иншоотлар, шиман турар-жой бинолари, замонавий коллежлар, кенг ва раво кўчалар, кўприклар, бог ва хиёбонлар, мухташам меҳмонхоналар, сержило фавворалар, шарқона бозорлар қурилди. Бунда Олий Мажлис биноси, Амир Темур музейи, Хотира ва кадрлар хиёбони, Миллий банк, Банклар ассоциацияси бинолари, "Интерконтинентал", "Ли - Мередиан", "Шератон" меҳмонханаларини тилга олиб ўтиш kifоя.

Утган давр мобайнида шаҳарни ободонлаштириш ва кўкчалар муҳокама қилиниши.

тириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Пойтахтдаги бир қанча дам олиш ва истироҳат боғлари замонавий тарзда қайта қурилди, қарийб 150 гектар яшил зона барпо этилди. Аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилди.

Айни вақтда шаҳар инфраструктурасини янада тақомиллаштириш, хусусан, транспорт қатновини яхшилаш мақсадида 40 километрни трамвай ва 60 километрни троллейбус йўллари ишга туширилди. Метронинг учинчи йўналишида қурилиш ишлари ҳам жадал давом эттирилмоқда. Телекоммуникация соҳасида "Алкател", "Сименс", "Италтел", "Мицуи" каби чет эл фирмалари билан ҳамкорликда 18 та янги телефон станцияси фойдаланишга топширилди. Абонентлар сони 500 мингга етди. Бу эса 1994 йилдаги миқдордан қарийб юз мингга кўпдир.

Муҳокама қилинган лойиҳада, деб таъкидланди йилгиликда, бундан да кўпроқ ҳажмдаги бунёдкорлик ишларини амалга ошириш назарда тутилган. Бу борадаги кўпгина ишларни Тошкент вилояти бош планига мувофиқлаштирилган ҳолда олиб бориш мақсада мувофиқ эканлига эътибор қаратилди. Айниқса, шаҳар билан вилоят сув, газ таъминоти, оқова сувлар, дам олиш жойлари, катта магистрал йўллар бир-бири-

га боғлиқлигини унутмаган ҳолда бу борадаги лойиҳаларнинг истиқболли вариантларини яратиш зарурлиги қайд этилди.

Дарвоқе, бугунги кунда Тошкент ҳалқа йўли деярли шаҳарнинг ички йўлига айланиб қолди. Янги ҳалқа йўли ва янги аэропорт қурилиши устида ҳам жиддий ўйлаб кўриш вақти келди. Келгусида шаҳар ичида жойлашган ва экологик жиҳатдан талабга жавоб бермайдиган айрим санноат тармоқлари, ташкилотлар, автокорхоналар ва бошқа идораларни аста-секин шаҳар ташқарисига қачариш кўзда тутилди.

Шуни айтиш жоизки, аҳоли учун турар жойлар қуришга янги аҳоли йўналишида. Тўққиз-ўн икки қаватли баланд уйлар қуришдан аста-секин воз кечилиб, халқимизнинг дидига мос тўрт ва беш қаватли уйлар барпо этилади.

Бир сўз билан айтганда, Тошкент шаҳрининг 2015 йилгача мўлжалланган бош режасига мувофиқ асим пойтахтимизнинг қиёфаси янада гўзаллашиб, у нафақат мамлакатимиз, балки бутун Марказий Осиёда ўзига хос меъморлиги ва миллий жиҳатлари, фусун-таровати, иқтисодий-иқтисодий соҳада тугган ўрни ва салоҳияти билан барча шаҳарлар ичида ажралиб туради.

Йилгиликда Бош вазир ўринбосари А.Исаев қатнашди.

Ўқтам ДҮСТЕР, ЎЗА мухбири.

Кўйчилик: тажриба, изланиш

— Биласизми, 1986 йилда ҳам қўрғоқчилик бўлган. Лекин унда эрта баҳорда-ноқ қир-адирлар кўм-кўм майса билан қопланган, қўй-қўзилар кўкка тўйганди. Фақат кўланнинг охирида ёмғир тортилиб, ўтлар қовжириб қолган. Бу йил эса қўйлар кўчини ололмади, яйловларда мулталоқ ўт битмади, — дея гурунг беради ҳамсуҳбатимиз, Муборак туманидаги «Муборак» қорақўлчилик-наслчилик қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат) хўжалиги бош зоотехниги Нурилла Курбониев. — Аммо салкам 70 минг бош қўйдан биттаси ҳам қичим бўлгани йўқ. 75 фоиз қўзи ўстиришга қолдирилди.

— Ҳарқалай, бу ўз-ўзидан бўлмаганми? — Албатта, — жиддий тортди у. — Сидқидилдан йилгасанг, сўйиб қўздан ёш келар дейдилар-ку? Мана, сизга битта мисол. Янтоқ, шўра, қамиш ўришга одамларни ҳеч ким мажбур қилган йўқ. Ҳамма уюшқоқлик билан, баҳоли қудрат ҳаш тўплайпти. Нима учун? Сабаби аён. Қорвани сақлаб қолш керак. Ахир, Муборакнинг жаҳет типли қорақўл терисини яратишнинг ўзи бўлганми? Шундай пайтда қараб ўтириб бўладими?

Йўқ, қараб ўтириб бўлмайди. Ким билан суҳбатлашмай, ана шундай кайфияти ҳис этдим. Масалан, Шерниёз Авазов оила аъзолари билан 5 кунда 5 тонна янтоқ чолибди. Эвазига 15 минг сўм ҳақ олибди. Хар килограммига 3 сўмдан. Агар янтоқ донли бўлса, 4 сўм тўланади. Шунинг учун ҳам одамлар эрта саҳардан то кун боттунга қадар қир-адирларда янтоқ чопиш, зовулар бўйида қамиш ўриш билан машғул. Тўпланган ҳашак пешма-пеш тарозидан ўтказилиб, гарамларга жойланмоқда. Меҳнат ҳақи ҳар беш кунда берилаяпти. — Шундай қилмасак

бўлмайди, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Ҳайит Оқмаматов. — Қамида 10-12 минг тонна ҳашак жамгарсак, қўйларни қишдан бета-лофат олиб чиқишимиз мумкин. Ахир, 66 минг бош қўйга бир кунда 100 тонна ҳашак керак. Ҳалиям вилоят ҳокимлиги ёрдами билан 900 тонна ёнқара, шелуха олдиқ. Қўйларнинг бир қисми ариқ-зовулар ёқасида боқилапти. Бир қисмини Яққабоб ўрмон хўжалиги худудига

жарса, ҳар 20 та қўзи учун 1 қўзи, 40 та қорақўл тери топширсан, 1 бош қўзи натуро ҳолида муқофотга бериларкан. Масалан, чўпон Ислам Оқмаматов 1999 йил якуни бўйича ортикча олинган маҳсулот учун 96151 сўм қўшимча иш ҳақи, 1998 йилда тузилган тўқиларнинг ортикча вази ва жуни учун 35 минг 392 сўм пул, 30 бош қўзи олибди. Хўжалиқда бундай чўпонлар ози? Устиришга қўзи қолдириш,



ниб, астойдил меҳнат қилишяпти. Муаммолар дейсизми? Бор. Масалан, бир қўйнинг жунини қирққан кишига 30

зарган. Қорақўл терилари тиллодай товланади. Тиллодан фарқи шунки, қора. Офтобда товланишини кўрсангиз...

Ҳайит Оқмаматов 20 йиллик раисга ўшамайди. Ҳамон оддий, камсуким, жиддий, сермулоҳаза, ти-ниб-тинчимас. Бежиз унга 1991 йили «Республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» унвони берилмаган. 20 йил хўжаликни бошқариш осон иш эмас. Қолаверса, шу йиллар давомида у икки тузумни, икки бошқарув усулини, икки қўл раҳбарларга дуч келди. Раиснинг фикрича, энди қўл ҳам, тил ҳам, фикру ўй ҳам бировга қарам эмас. Изланганга катта йўл. Буларан деган бўлади.

«Муборак» қорақўлчилик-наслчилик қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат) хўжалиги неча йиллардан бери вилоятда ўз макенини сақлаб келмоқда. Бунинг боиси шунки, унинг раҳбари яхшиларга эргашиб, ҳавас билан яшайди, яхши ишлар қилишга, ўзидан эзгу ном қолдиришга ҳаракат қилади. Ундаги бу исхлат хўжалик ахлига ҳам юққан. Шу боис, об-ҳаво қўрғоқ келган бу йилги шароитда ҳам улар қўй-қўзиларни асраб қолишнингина эмас, балки гўшт, жун, қорақўл тери етиштиришни қўлай-тириш тадбирларини ҳам қўришапти. Шунга айта-дилар-да, қимирлаган қир ошади, изланган имкон то-лади, деб.

Назрулла РАВШАНОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

ҚИМИРЛАГАН ҚИР ОШАДИ

қўриганми. Ҳадемай қочир-иш мавсуми бошланади. Бунинг учун қўйлар ўртача семизликда бўлиши шарт. Янтоқ тўйимлиликда бедадан ҳам аъло. Аммо қамиш еган қўйнинг ичкариликда 40-45 кундан кейин қилқурт пайда бўлади. Бунга ҳам олдиндан тайёргарлик қўриб, дори хозирлаб қўйиб зарур.

Кўз келган бўлса-да офтоб нақ қўйдирман, дейди. Гармосел, чанг-тўзон кўз очирмайди. Биз далаларда ози-ни рўмон билан ўраб олган қизларни, кирза этикни йиптиларни, турли ёшдаги қишларни ўратдик.

Уларнинг гайрат-шиқоати баланд. Чунки гўшт, жун, қорақўл тери бугун ҳам керак. Аммо чорванинг фойдасини бошқалар эмас, асосан шу хўжалик аҳли қўрапти.

қорақўл тери топшириш шартномасини бажарганиги учун Чори Норбобоевга 50 бош, Холмурод Махтумовга 40 бош қўзи муқофотга берилди. Бу қўзилар ўзидан кўлаймайди, дейсизми? 3-4 йилда уларнинг сони нечага етади? Ҳе...

— Қорақўл терининг ҳар донасини 5 минг сўмдан сотаямиз, — ҳикоясини давом эттиради раис. — Албатта, харидорлар ҳам ҳар хил. Уларнинг базилари маҳсулотни сув текин олишнинг хош-лашади. Биз бунга йўл қўймаймиз. Ишловчиларга ҳар ойнинг 5 кунда маош тарқатаймиз. Жорий йилда қорақўлчиликдан 35 миллион сўм, гўшт сотишдан 50 миллион сўм даромад қилинши керак. Аммо бунинг ҳаммаси катта меҳнат ва машаққат эвазига бўлаётти. Бу йил қўдқларда сув қамайиб, айримларидан кум қичиб қолаётти. Отарларга сувини ташиб беришга тўри кел-моқда. Яйловларда ўт йўқ, Сомон эс бўлди. Бунинг устига унинг тўйимлиги етарли эмас. Бедаполярла ҳам сув керак. Жулас, янтоқ тўплаган бошқа чора йўқ. Одамларимиз шуни тушу-

сўм ҳақ берилади. Бошқа харажатлар-чи? Бироқ бир килограмм жуни Келес фабрикасида 40 сўмга олишади. Ҳозир ошборларимизда 42 тонна жун бор. Ҳадемай қўзги қирқимда яна шунча олинади. Қанидди, килограммининг ҳар бўлмаса 70 сўмдан сота олсак...

Раиснинг қўйинчақлигини тушуна бўлади. Зеро у хўжаликни мисоли рўзгор, ўзини эса рўзгор бошлиғи, деб билади. Унинг учун иқир-чиқир йўқ. Айтишчи, ҳозир Қашқадарёдаги қай-си деҳқончилик хўжалигида иссиқхона бор? Борининг ҳам қайсинида лимондан даромад олинаётти? Бу ерда эса мўъжазгина иссиқхона мавжуд бўлиб, 58 туп лимон кўнатиладан жорий йилда 1 миллион 200 минг сўм даромад олинди. Асосийси, чўпонлар дастурхонни қиш бўйи шунга ташаббус қилибди. Муборакнинг қўйлар-и бошқа. Жуни, жингала-си, бичими билан ажралиб туради. Бунинг учун биздан аввал ишланган ва хозирда меҳнат қилаётган қишлоқ озмунча машаққат чеканми? Насли яхшиланиб, зоти то-

«ТАДБИРКОР ОИЛА»ГА — ХАЛҚАРО ГРАНТ

Бухоро вилоятида иш юритаётган «Тадбиркор оила» ассоциацияси ўз фаолиятини кенгайтириб бормоқда. Ушбу ассоциация атрофига бирлашган 149 та оилавий корхонанинг маҳсулотлари юксак сифати билан кўпчиликнинг назарига тушган. Айниқса, «Зебу зар» корхонасида тикилган қиймлар бежиримлиги билан ажралиб туради.

Вилоятда ишбилармонлиқни ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги сайё-харакатлари туфайли «Тадбиркор оила» яқинда АҚШнинг «Кантернарт» консорциуми грантини олишга муваффақ бўлди. Мазкур халқаро грант тадбиркорларнинг янада самарали фаолият кўрсатишига кўмак бериши шубҳасиз.

Ўз мухбиримиз.

СУРАТДА: «Зебу зар» чеварлари иш устида.



БОШҚАРУВ РАИСИ ЛАВОЗИМИДАН ЧЕТЛАТИЛДИ

Фаргона вилоятининг Богдод туманида истиқомат қилувчи фуқаро Журабой Болтабоев тахирияртга йўлланган мактубда туман худудидидаги қатор дўконларга баъзи кўнларни нон келтирилмаётганлиги, бу эса ўз навбатида ҳақола нонулайлик туғдираётганлиги тўғрисида ёзган эди. «Ултарма, Чексарой, Чексарой, Қоровултепа қишлоқларидаги дўконлар белгиланган миқдордаги нонни ололмаёттир. Бу қамчиликлар ҳақида Богдод туман ҳокимлигига ва вилоят матбуот акциядорлик компанияси раҳбариятига мурожаат қилди. Лекин шу кунгача хатимизга жавоб олинган эмас».

Мазкур масалани кўриб чиқиш вилоят ҳокимлигига ҳавола этилганди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари К.Салоҳиддинов ушбу муаммо ўрганиб чиқилганлиги, камчиликларни тугатишга қаратилган тадбирлар белгиланганлиги тўғрисида хабар беради. Ҳақиқатдан ҳам туман «Матбуот-савдо» акциядорлик жамиятига бириктирилган худудларнинг аҳоли сони деярли бир хил бўлишига қарамай, уларни нон билан таъминлашда эътиборсизлик қилинганлиги аниқланган.

Камчиликларга йўл қўйган нон ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти бошқаруви раиси М.Раҳимов эгалаб турган лавозимидан озод қилинди. Тумандаги барча дўконларни бир меъбурча нон маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида маҳсул жадвал тузилиб, тасдиқланди. Унинг бажарилиши назорат қилиб борилоқда.

«Жалқ сўзи» фуқаролар хизматида

Нефт ва газ соҳаси истиқболлари

Тошкентда «Нефтва бой ер қатламларини аниқлашнинг геодинамик асослари» мавзусида илмий-амалий анжуман ўз ишINI бошлади. Унда Ўзбекистон, Россия, Қирғизистондаги илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш муассасалари, «ЭКСОН-МОБИЛ» (АҚШ), «Петро-нел», «УзПЕК» (Буюк Британия) компанияларининг мутахассислари иштирок этмоқда. Анжуман «Ўзбекнефтегаз» миллий ҳолдинг компанияси томонидан Фан ва техника давлат кўмитаси ёрдамида ташкил этилди ҳамда Нефт ва газ конлари геология-си ҳамда кидируви институти очик турдаги акциядорлик жамияти базасида ўтказилмоқда.

Анжуманда ер ости жараёнларининг нефть ва газ ҳосил бўлишига таъсири, унинг саннат захираларини шакллантириш, сақлаш ва жойлаштириш масалалари муҳокама этилади. Унда Ўзбекистоннинг нефть-газ соҳасидаги салоҳиятини кўриб чиқиш мақсада катта ўрин берилди. Мамлакатимиз олимлари ва амалиётчилари эришган натижалар нефть ва газ бўйича геологик кидирув ишларини янада ривожлантиришга асос бўлади, республиканинг инвестицион жозибадорлигини оширади. Ер остида содир бўлаётган жараёнларни геодинамика таъминоти асосида ўрганиш Устурт, Бухоро-Хива, Фарғона, Жануби-

Фарбий Ҳисор ва Сурхондарё худудларида нефть ва газ бойлигини аниқлаш бўйича янги аниқ натижаларга эришиш имконини бериди. Анжуман иштирокчилари ишлаб чиқилган нефть-газ кидирув-разведка ишларида етарлича қўлланилмаётгани ва геологик тадқиқотлар амалиётта суст жорий этилаётганини қайд этишди. Мутахассислар Тошкент учрашуви нефть ва газни кидириш ҳамда қазиб олиш самардорлигини оширишга хизмат қилувчи янги геология шакллантиришига ишонч билдиришди.

(ЎзА).

ЯНГИ НАШР

Бугунги кунда амалга оширилаётган туб ислохотлар, замонавий бошқарув жараёни, ишлаб чиқаришдаги ўсиш суръатлари ахборот узатиш технологиясини ривожлантириш ва янада тақомиллаштириш тақозо этмоқда. Қайд этиш керакки, Ўзбекистон мустақиллик йилларида информатика ва телекоммуникация тармоғини қайта жиҳозлашга йўналтирилган йирик лойиҳаларни амалга ошириб, бу борада салмоқли ютуқларга эришди.

Сиз почта ва алоқа дунёсида юз бераётган ана шу каби муҳим янгилик ва ўзгаришлардан хабардор бўлиб боришни хоҳлайсизми? Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги муассислигида нашр қилинган «Алоқа дунёси» журналининг ўзинг. Хар уч ойда бир марта чиқадиган ушбу ишлаб чиқариш-техник йўналишдаги нашр телекоммуникация, информатика ва почта хизмати ходимларининг яқин ёрдамчиси бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

Янги суҳбатдош муборак, азиз мушартир!



НАВБАТДАГИ МУЛОҚОТЛАР

Қуддусда Исроил билан Фаластин ўртасида навбатдаги мулоқотлар бошланди. АҚШ вакиллари иштирокида ўтаётган мазкур учрашувда Қуддус шаҳрининг макрми, Исроил қамқоқона-ларидидаги фаластинлик маҳсулларни озод қилиш ва қочқинлар муаммоси, шунингдек, яқуний тинчлик битимини имзолаш борасида ўтказилаётган олий даражадаги музокараларни давом эттириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинмоқда.

КЕЛИШУВГА ЭРИШИЛДИ

Ҳиндистон Бош вазир Атал Бихари Ваджай билан музокара ўтказилган кейин, АҚШ Президенти Билл Клинтон томонлар оммавий



БЕШ КИТЪА ДАРАҚЛАРИ

қиргин куролларини тарқатмаслик борасида ҳамкорликда тадбирлар ўтказишга келишиб олганини маълум қилди. Бу Жанубий Осиё минтақасида бундай куроллар тарқалишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлади, деди Оқ уй раҳбари. Музокарада икки мамлакат алоқаларини янада кенгайтириш, минтақавий хавфсизлик, шунингдек, Ҳиндистон билан Покистон ўртасида давом этиб келаётган келишимчиликка барҳам бериш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

ТАДБИРЛАР САМАРА БЕРМОҚДА

Хитой полицияси жиноий гуруҳлар томонидан ўйирлаб кетилган аёллар ва болаларни қутқариш борасида жорий йилнинг апрелидан бунён кенг қўллади тадбирлар ўтказиб келмоқда. Бунинг натижасида олти ой ичида 123 минг нафар ўйирланган одам уйига қайтарилди. Шунингдек, бундай жиноятчилик билан шуғулланаётган қўллар тўдалар йўқ қилинди.

«КОРА ОЛТИН»НИНГ БАҲОСИ ТУШАДИМИ?

Айни кунларда Европада нефть баҳоси кун сайин ошиб бормоқда. Шу сабаб нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилотини (ОПЕК) яқин орада жаҳон бозорига «қора олтин» баҳоси тушмаса, октябр ойида кунлик нефть қазиб чиқаришни 500 минг баррелга ошириши мумкинлигини маълум қилди. Бу ҳақда ташкилот раҳбари Али Родригес баёнот берди. Унинг айтишича, 26-28 сентябрда Қарақанда ОПЕК давлатлари раҳбарларининг навбатдаги учрашуви бўлади.

Унда нефть қазиб чиқаришни қўлайитириш ва унинг баҳосини барқарорлаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

ЮЗ МИЛЛИОНЛИК САЙЁҲ

Сянганда «Осиё-2000» сайёҳлик кўргазмаси очилди. Унда дунёнинг турли мамлакатларидан келган тўрт юздан ортик компания ва фирма иштирок этмоқда. Жаҳон сайёҳлик ташкилотини вакилининг билдиришича, дунё давлатлари иқтисодийти йилдан-йилга ривожланиб бормоқда ва бу сайёҳликнинг янада тараққий этишига туртки берапти. Статистик маълумотларга қараганда, Осиё-Тинч океани минтақаси давлатларига ўтган йили юз миллионга яқин сайёҳ келган. Бу 1998 йилдаги кўрсаткичдан 11,1 фоиз кўп.



СУРАТДА: Буюк Британия парламенти биноси.

САММИТДАН СЎНГ УЧРАШУВ

БМТ қароргоҳида Хавфсизлик Кенгаши доимий ишлар вазирларининг Бош котиб Кофи Аннан билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда яқинда бўлиб ўтган «Минг-йиллик саммити» аяқларни

ҳақида, хусусан, Хавфсизлик Кенгашининг дунёда тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш борасидаги сайё-харақатларини фаоллаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Учрашувда бу борадаги алоқаларни кенгайтириш, тинчликни сақлаш тадбирларини ўтказиш лозимлиги таъкидланди.

«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.

Ёш мутахассислар мактаби

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижаси ўлароқ, билим даргоҳларида ўқитишнинг замон талабига мос янги услублари тобора кенг-роқ қўлланилмоқда.

Бир ҳафтадан ортиқ давом этган ўқув машғулотларида ёш мутахассисларга дарсга тайёрилик, мактабга ва ўрта умумий таълимда жорий этилаётган давлат таълим стандартлари, янги ўқув дастурлари тўғрисида кенг маълумот берилиб, рейтинг тизимида ишлаш услуби ўргатилди.

Назозат Усмонова, ЎЗА муҳбири.

Абу Али ибн Синонинг ҳаёти, ижодини таҳлил қилар эканмиз, унинг асарлари ҳар бир соҳада чуқур, мазмунли из қолдиргани 1000 йилдан кейин ҳам кишини ҳайратга солади.

Кўпчилик Ибн Синошунлар алломининг уч-тўрт соат уқлашини, ҳар бир нарсани таҳлил қилиб, тубдан ўрганганини ва ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишини таъкидлаб ўтадилар.

Ибн Сино буюк истеъдод эгаси эди, эҳти тез, мулоҳазаси чуқур, мантиқи зўр, фикри ўқитқ, хотираси ниҳоятда мустаҳкам.

Ибн Сино номи кўп асрлар давомида Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам қомусийлик, ўткир ақлининг рамзи

Воқеа арафасида сифатида байроқ бўлиб келди. Унинг йирик асарларидан бири «Тиб қонунлари» ҳозиргача дунё мамлакатлари таъбиотида асосий асар сифатида фойдаланилган.

ЎЗБЕК МЕНАПОС

таржима қилинди. Одам саломатлиги гаровида олим, аввало, соғлом турмуш тарзини қўяди ва ўзининг чуқур мазмунли фикрларини баён этади.

Соғлом бўлиш учун ёшларнинг эътиборини жисмоний тарбияга жалб қилади. Болаларни тарбиялашда оиланинг аҳамияти катта эканини кўп асарларида, айниқса, «Тадбир ал-манозил» рисоласида алоҳида таъкидланади.

маънавияти, миллий мафқураси ва гурури, аввало, унинг ахлоқига, тарбиясига боғлиқ. Аллома ўз мероси билан кўп авлодларни маърифатдан баҳраманд қилди, билим ва тафаккур билан иш қиришига хизмат қўрсатди.

Ибн Сино ижодидида кексалик тўғрисида ҳам чуқур фикрлар, тавсиялар, ғоялар берилган. «Кексалар ҳақида қисса» асаридида аллома қариликнинг белгиларидан бошлаб, кексаларнинг ҳаракати, бадан тарбияси, овқатланиш жараёни, дори ва ичимликлар истеъмол қилиши каби жараёнлар тўғрисида таҳлил қилинган тавсиялар берилган.

фан)нинг асосини бобокалонимиз яратган, деб айтишга тўлиқ асосимиз бор. Мазлумки, 1999 йилнинг бошида «Ибн Сино Халқаро жамғармаси» ташкил этилган.

Унинг асосий мақсади улуг ватандошимизнинг меросини чуқур ўрганиш, илмий изланишлар олиб бориш билан бирга ёшларимизга алломининг буюк ҳаётини тарғиб этишдан иборат.

Шу йилнинг 22-23 сентябрида алломининг 1020 йиллик таваллуди муносабати билан Бухорода режалаштирилган юбилей тантаналари ва «Халқаро Ибн Сино ўқишлари» илмий-амалий конференциясининг ўтказилиши республикамизда буюк аждодларимиз меросига қанчалар эътибор берилётганининг яққол далилидир.

Ш. ИРГАШЕВ, Ибн Сино Халқаро жамғармасининг бошқаруви раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

ОЛТИН КУЗ САХОВАТИ



Бог'онлар бу йилги қузнинг баракали келгани ҳақида кўп таъкидлашмоқда. Бог'лардаги етилган мевалар ҳам бунга исботдир.

— Ҳўжалигимиз нафақат богдорчиликда, балки дехқончиликда ҳам яхши натижаларга эришти. — дейди Зангиота тумани Назарбек жамоа ҳўжалиғидидаги «Жаббор ота» фермер ҳўжалиғи бошлиғи Нишонбой Худойбердиев.

СУРАТЛАРДА: «Жаббор ота» дехқон фермер ҳўжалиғи аъзолари (чапдан) Нишонбой Худойбердиев, Ҳамидулла Аҳмедов, Маъмура Тўлғонбоевалар бог'лар саховатидан хурсанд; Муҳаббат Жўраева терган олмалар эл дастурхонига фойз киритиши шубҳасиз.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Advertisement for 'BIZNICHIT' featuring a large image of a window with a decorative frame and text: 'BIZNICHIT DEP-AZALARI MIZDACH DUYQE TUZAL KURICHADI'.

Advertisement for 'ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАИ ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ КОМПЛЕТИ' (Uzbekistan Republic Fair and Technical State Complex). It mentions '2000 йил танловини эълон қилади' and lists various technical products and services.

Advertisement for 'ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ'. It includes a table with exam results for various subjects and mentions 'ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ'.

Advertisement for 'ALQUR' featuring a large image of a window and text: 'ALQUR' and 'Йил мобайнида сервис хизмати кўрсатиш'.

Advertisement for 'ЛОК КОЛОС СИСТЕМА' (Lok Kolos System) for 'Лак колор сикетез' (Lacolor Sikez). It lists various types of lacquer and their uses, such as 'Уй ичларини бўяш' and 'Акрилат эмаллари'.

Advertisement for 'ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ' (Uzbekistan Republic Ministry of Justice Announces). It lists various court decisions and legal actions, including 'Давлат рўйхатидан ўтказилди' and 'Давлат рўйхатидан чиқарилди'.

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш қўмитасининг масъул ходими Бахтияжон БИСАЛИЕВНИНГ бевақф вафот этганини муносабати билан унинг оила аъзоларига ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардик билдиради.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти жамоаси нашриётнинг етакчи илмий муҳаррири Маълуд Исламбековга акиси Куроббек ИСЛОМБЕКОВНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЗАВОЛ БИЛМАС САБОҚЛАР

Мамлакатимизда калом илмининг асосчиларидан бири, ҳадис ва фикҳ оламининг раънақиға улкан хисса қўшган йирик аллома, буюк ватандошимиз Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллуд тўйига пухта ҳозирлик қилинмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси шу муносабат билан қабул қилган қарорда бу борада белгилаб берилган тадбирлар доирасида алломанинг бизга мерос қилиб қолдирган асарларини жамлаш, ўрганиш, таржима қилиш ва нашрга тайёрлаш ишлари қўзғалди.

Манбаларда баён этилишича, ўз замонида уламо-лар уламоси сифатида кенг шухрат қозонган Абу Мансур ал-Мотуридийнинг фаолияти, илмий мероси, яратган мактаби ва ўз даври маънавиятида тугган ўрни ҳақиқатан ҳам беқийс бўлган. Таъкидланишича, ул зоти шариф бундан ўн икки аср илгари ҳам маънавийлик фикрини ўрганиш орқали жаҳониятдаги маънавий-ахлоқий муқоти барқорорлаштириш мумкинлиги тўғрисидаги фикрини илгари сурган. Бу улкан қобилият соҳибининг асарлари, исломий назарияси, гоёвий фикр ва қарашлари мусулмон оламидаги

маънавий-руҳий ҳаётга барака-ли таъсир ўтказиб келган. Таниқли шарқшунос олим Убайдулла Уватовнинг қуни кеча босмадан чиққан "Имом Мотуридий ме-росининг моҳия-ти" рисоласини ўқиган киши бу борада муайян тасаввурга эга бўлади. Унда бе-назир аллома-нинг ҳаёт ва ижод йўли, ил-мий йўналишлари, калом илми раънақиға қўшган хиссаси, ҳаёти ва ижоди-ни ўрганишга асос бўлади-ган манбалар, меросининг жа-ҳон исломшунослигида тутган ўрни, бугунги аҳамияти тўғри-сида мухтасар фикр юритил-ган. Айниқса, "Китоб ат-та-ваҳид", "Китоб тавилот ахл ас-суна" асарлари Мотуридий ижодининг чўққиси бўлиб, уларда калом илмининг ма-зун-моҳияти тўла ва аниқ баён этилганлиги қўрсатиб берил-ган.

Шуни алоҳида қайд этиш жоғизки, ўз даврининг фозилу фузаларини Мотуридий ҳаёт-лиқ чўққидек унинг калом илми соҳасидаги фаолияти ва йўл-йўриқлари, шунингдек юқори-да номлари зикр этилган шўх асарларининг янги-янги қирра-

ларини кашф этиш ва омма-лаштириш мақсадида махсус китоблар ёзганлар. Бу эса Мо-туридий назарияси, унинг ақидаси бутун ислом оламида мусулмонлар-нинг муҳим дас-туриламалари-дан бирига айла-нишига хизмат қилган.

Шундай китоб-лардан бири Ка-лом илми сулло-нининг машҳур издоши — Ну-риддин ас-Собуний ал-Буҳо-рийнинг "Ал-Бидоя фи усулид-дин" /Ислом дини асослари-нинг ибтидои/ асари бўлиб-ди. Ушбу асар "Мотуридий ақидалари" деб ҳам аталади. Бу борадаги биз учун аҳами-ятли томони шундаки, унда Ис-ломдаги баъзи фикрларнинг Оллоҳ тўғрисидаги ҳато ва но-тўғри тушунарлари, тарафшай-ликлари кескин рад этилган ва қоралangan. Бу борадаги бай-ри таълимот ва фикрларга Ка-лом илми ҳўми, илмий далил-лар асосида кескин зарба бе-рилган.

Кези келганда шуни ҳам ай-тиш лозимки, алломанинг ҳаёти, илмий мероси, у асос солган калом илми назарияси нафақат мусулмон оламида,



балки ғарб мамлакатларида ҳам катта қизиқиш уйғотган. Хусусан, шу қуларда Имом ал-Буҳорий халқаро жамағ-раси таниқли немис олими доктор Улрих Рудолфинг "Ал-Мотуридий ва Самар-қанддаги суннийлик илоҳиё-ти" китобининг ўзбекча на-шрини тайёрлаётгани фикри-мизнинг далилидир.

Шарқшунос олим Зоҳид-жон Исломовнинг таъкидла-шича, муқаддима ва уч қис-дан иборат ушбу муҳим ил-мий таъриқот Марказий Осиё-даги ислом, исломшунослик тарихи бўйича иш олиб бо-раётган мутахассислар учун ноҳад манба бўлиб хизмат қилади. Чўнки, унда ал-Мо-туридий назарияси, диний қарашларини тўлақонли ёри-тишга ҳаракат қилинган.

Ал-Мотуридий юбилейи баҳона унинг ўлим асарла-ри устида чўқур илмий изла-нишлар олиб бораётган та-риқотчиларнинг яқдиллик би-лан таъкидлашича, Мотури-дий — кўчи тафаккур маж-му бўлиб, алломанинг бар-ча асарларида бир муҳим го-я — ғарчи одам тақдир олдин-дан белгилаб қўйилган бўл-са-да, ҳар бир инсон ўз хатти-ҳаракати олдида масъулиги ва эътиқодий жавобгарлиги, қолверса, инсон тафаккури, унинг ақл-идроки ва салоҳи-яти имкониятлари чексиз экан-ли тўғрисидаги гоя билан су-ғорилган. Аллома ўзининг бутун умри давомида ана шу қондага амал қилган.

Буюк юртдошимизнинг за-вол билмас бу сабоқлари ва ибрат бугунги қўнда ҳам аҳамиятлидир.

Ёқуб ИБРОҲИМОВ (ЎЗА).

ХАР ЮМУШНИНГ ЙЎЛ БОР

● Сабзи шарба-тига сарёни ара-лаштирамангиз, ёқимли таъм ва чи-ройили ранг ҳосил бўлади.

● Кумушдан қилинган заргар-лик буюмларини картошка қирқиб солинган сувга 2-3 соат қўйиб қўйсан-гиз ярқоқ холи-га келди.

● Мебел юзаси-ни ялтиратиш учун латтини 1 ош қошиқ сиркани 1 литр сув аралаш-масида ҳўллаб артсангиз яхши бўлади.

● Юмшоқ ме-белни тозалаш учун ачиқ чой ва дарё кўми маъ-кул. Аввал доғни иссиқ сув билан ювиш, сўнг кўми юпқа қилиб сепиш ва қаттиқ чўтка би-лан артиш керак. Буюк қўриғач, қўм қоқиб юборилди.

Абу Райҳон Беруний

Биландоналар ер устининг юмалоғ экан-ини инкор қилма-ганлар, чўнки уни тошбаға орқасига ўхшаш деб исботла-ганлар.

ДУШБОЗЛУҚ

Яхши билмаган нарсага уринган киши шарманда бў-лади.

...Билмаганлигимиз сабабли билган нар-саларимизни айтмай қўйишимиз ҳам яхши эмас.

Доймо бир хил нарсага қарай бериш малоллик ва сабр-сизликка олиб келади.

Ҳар бир инсон-нинг қадр-қиймати ўз ишини қўйиб қилиб бажаришида.

ҲИКМАТ

Кишининг ўз нафси-дан қочгани шердан қочгандан фойдали.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУХИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ҳ. ҚОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-саноий ҳаёт — 133-57-34;
Хўж — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Хатлар — 136-29-89;
133-07-48;
Фан, соҳилқи сақлаш ва ижтимоий масаллар — 132-12-08;
Ахборот, спорт ва харбий ватанпарварлик — 133-78-92;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 716,
18918 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қўроз бичими А—2

Газета PENTIUM-II — компьютерда терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ,
Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ,
Навбатчи — У. ФАЙЗИЕВА,
Муасхххх — Ш. МАШРАББОВ.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
700000, ГСП,
Ташкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қўроздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бошмақонаси:
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топирилади — 21.20

1 2 3 4 5 6

«ЯШИЛ КИТЪА»ДА НИМА ГАП?

горий Клаудиони маглуби-ятга учратди.

Қиличбозлик

Шпага бўйича аёллар ўртасидаги жамоавий бел-лашулар ҳам нихосига етди. Олтин медал Россия терма жамоасига насиб этган бўлса, кейинги поғона-ни швейцариялик олимпиа-дачилар банд этишди.

Оғир атлетика

63 килограмм вазндаги оғир атлетикачи қизлар баҳ-сида ҳам Олимпиада чем-пионлари маълум бўлди.

1. Чен Сяомин (Хитой)
2. Валентина Попова (Россия)
3. Йонна Чаджоанну (Греция)

69 килограмм вазндаги баҳсларда ҳам олтин медал Хитой вақиласига насиб этди.

1. Лин Вейнин (Хитой)
2. Эрабет Маркус (Венгрия)
3. Карнам Маллесвари (Хиндистон)

Ушбу натижа хиндистон-лик спортчиларнинг Сид-нейдаги иккинчи бронза медали ҳисобланади.

От спорт

Ушбу спорт тури бўйича жамоавий ўртасида олтин медал Австралия термаси-га, кумуш эса Буюк Брита-ния жамоасига, бронза ме-дали АКШ спортчиларига насиб қилди.

ЭЛМУРОД тайёрлади.

Бокс

Бир неча марта Осиё чемпиони, 1999 йилда жа-ҳон чемпиони, 1998 йил-даги Жаҳон кубоги соврин-дори боксчи Мухаммадқо-ри Абдуллаев пўрто-ри-колик рақиби Катто Ману-эл устидан ғалаба қозон-ди.

М.Абдуллаевдан сўнг, яна бир ҳамюртимиз Сер-гей Михайлов Руминиянинг кучли боксчиларидан Гри-

Ривоят

Гуноҳлар ичида энг оғир гуноҳ — омонатга хиёнат дейишди. Аллоҳусул, ривоят қилишларича, эрта тонг тирикчилик таш-вишида кўчага отлан-ган саҳобаларимиз-дан бири кеч уйига қўйтган, хотинига чамор ўғлини кўрмоқ-чилигини айтибди.

— Оллоҳга шўкр, — жавоб берибдилар саҳоба онамиз. — Аввал сиз таом та-наввул қилинг, сўнг

ОМОНАТ ВА САБР

ўғлингизни кўрасиз. Хориб, очкиб қелган саҳоба отамиз таом танаввул қил-моққа туғиндилар.

— Агар кимдир сизга омонатни сақ-лаш учун берсаю вақт-соати етиб келиб ўша берган омонатини қайтаришни сўраса, нима жавоб қилардин-гиз? — дея сўрабдилар гап орасида саҳоба онахон.

— Албатта, қайта-

рардим. Омонатга хиёнат — гуноҳ, — дебдилар саҳоба-миз.

— Оллоҳ ўзи берган омонатни қайтариб олди, — дебдилар саҳоба онахонимиз кўз ёшларини бозўр тияркан. — Бандачи-лик экан, Сизга ўзи сабр берсин, бегим, — деб вофот этган ўғли ётган хонага бошлаган эканлар.

МАВЖУДА.

ТЕЛЕФОНДА АЙТИЛГАН ЛАТИФА

— Менга бугунги газетадан беринг.
— Қайси бирдан?
— Фарқи йўқ, бугун нечаничи число эканлигини билмоқ-чи эдим.

Солиқ идорасида миждога:

— Баённоманигда бир йилда 6 милли-он ишлаганингни ёзилган. Биздаги маълумотларга қўра-шу даврда қамида 8 миллион сарфла-гансиз. Бу қанақа гап?

— Базўр учма-уч яшайман-да!

ЖУМБОК

Бугунги жумбоқни Гулистон туманидан Бахринос Норжиги-това тақдим этади.

Овчи қамондан яра-дор бўлган гоз, қўзда парвоз этаётган гўзлар галасини кўриб, илтижо қилибди:

— Хой, юз гоз! Мени ҳам олиб кетинлар!
Шунда улар:

— Биз юзта эмасмиз. Бизча, ярмимизча, яр-мимизнинг ярмича, ун-дан кейин сен қўшил-санг юзта бўламиз.
Хўш, гўзлар нечта?

«ЭКОЛОТ» ОМАД СОҲИБЛАРИНИ ҚЎТЛАЙДИ

Яқинда «Эколот» қўшма корхонаси би-носига «Нексия» автомашинаси соҳиб бўлган омадли инсонларга ютуқларни тан-танали равишда топшириш маросими бўлиб ўтди.

Мана улардан бири: 9-синф ўқувчиси, 15 ёшли Дилмурод Орипов Қашқадарь вилоятининг Дехқонobod туманида яшайди. Отаси томорка ишлари билан шуғулланади. Онаси Рўзихон Кўчқорова — тадбир-кор.

— Одатдаги қўнларнинг бирини, — деб эслайди Дилмурод, — онам ўзи тайёрлаган пиширилари бозорга олиб чиқиб сотиб олиб кетди...

Уйга етиб келишим билан-ок, билетни онамнинг қўли-га туққаздим.

— Уғлингиз «Нексия» ютиб олдим», — деган сўзла-рига аввал ишонмадим, — дея унинг га-пига қўшимча қилади Рўзи-хон она. — Пас-портни олиб, тўғри банкка бордик. Улар

Автомобил муборак бўлсин

берилишига ишонмади. Ке-часи билан на-вбатчиликда ту-риб уқламаган-лигига қара-май билетни қў-лига олиб берди.

— Онаси билан бозордан қайтсак уйда Баҳодир ўти-рибди, — деб эслайди Ори-кул Соатов. — Бирон бир хўжк воқеа юз бердимикин, деган хаёл миямга лоп этиб урилди. У ҳеч нима демас-дан қўлимга лотерея биле-тини туққазди. Билетни кўздан кечирарканман, ютуққа «Нексия» автомаши-ни қўлингизни кўрдим. Онинг, кўзларимга ишонмадим... Агар ишонсангиз бундан бир неча кун аввал тушимда ким-дир қўлимга қалип туққазган-ди. Қарангки, ана шу тушим-нинг ижобатини бугун кўриб турибман. Мухими эса ютуқ-чиққан кун уйимизда катта байрам бўлди. Бир неча кун-гача қўни-қўшинлар, яқин қариндошларнинг қадами узимизда. Ишқилиб, ана шундай хурсандчилик кўн-лардан айирмасин-да.

— Оилангиз катта, бунинг устига серфарзандсиз, — деймиз Орикул акага. — Ай-тинг-чи, Баҳодир ўзининг қайси хислатлари билан бошқа фарзандларингиздан ажралиб туради?

— У ўта оғир, босиқ, бу-нинг устига кампан. Хаттоки ўша ютуқ чиққан кун ҳам ўғлим ҳар кун машина ютиб оладигандек хурсандчилик сездирмади. Мана қаранг, хозир ҳам катта тантанамиз қилиб турибди, ҳеч ни-мани билмагандек ўтирибди, — деб Баҳодирга ишора қилиб.

— Баҳодир, сиз ўзингиз-ни реклама роликида на-мойиш қилишларини иста-майсангизми?

— Нега энди. Шунинг учун ҳам биз бу ерга бу-гун оқлаш билан кел-дик. Фарсадан фойдала-ниб, барча юртдошлари-мизга шуни алоҳида таъ-кидлашни истардимки, айрим кишилар лотерея-га қўйилган автомобил-ларни ҳеч қачон ютиб бўлмайди, лотерея ком-панияси ходимлари ўзларининг таниш-би-лишларига аллақачон тақсимлаб қўйган бўли-шди, деган фикрда бўлишди. Бу гапларга асло ишонманг. Омадими-ни синиб қўрай десангиз, ҳеч иккиланмай «Эколот» лотереясини сотиб олинг. Ишонмангки, сиз ҳам албатта авто-мобил эгаси бўласиз.

ЮРТДОШЛАРИМИЗГА ЯНА БИР БОР ШУНИ ЭСЛАТИБ ЎТИШНИ ИСТАРДИКМИ, ДАСТАЛАБ ЎТИШНИ ТАШ-КИЛ ҚИЛИНГАНДА «ЭКОЛОТ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ТОМО-НИДАН УНГА 24 ТА АВТО-МОБИЛ ЮТУҚ СИФАТИДА ҚЎЙИЛГАНДИ. Шундан 5 таси эгаларига топши-рилди. Ютуқлар жамағ-расида яна 19 та авто-машина ва қимматбаҳо совғалар ўз соҳиблари-ни қўтмоқда. Уларнинг нархи 1 миллион сўмдан 10 миллион сўмгача.

Бизнинг «Эколот» лотереясини мамлакатимиз-нинг барча шаҳар ва ту-манларидаги «Халқ бан-ки» кассаларида сотил-моқда.

«Эколот» қўшма корхонаси сизга омад тилайди.

СВ РАДИОАЛОҚАСИ - ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШНИНГ СИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ЁРДАМЧИНИГИЗ!

СИФАТЛИ РАДИОАЛОҚА
ЎЗБЕКИСТОНДА БЕПУЛ ЭФОР
МУТАХАССИСЛАРНИНГ БЕПУЛ МАСЛАҲАТИ

Радиоалоқа узўқлиги 0,5 км. дан 60 км. гача.

Марказий офис манзили: Ташкент ш., «Кичик Бешёғоч» кўчаси, 189 уй.
Тел. фанс: (998-71) 191-09-09,
(998-71) 191-30-00,
Тел.: (998-71) 191-30-00.
Фидоал манзили (ўрнатилган таъмирлаш бўйича мутахассислар):
Ташкент ш., «Қаторгол» кўчаси, 38-уй.
Тел.: (998-712) 78-34-70, 78-05-03.